




ТОШКЕНТ ОХШОМ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 28 (9.372) 2000 йил 6 март, душанба

Сотувда эркин нархда

Биз хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зоти-дан — авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз — она-сингиларимиздан умрбод қарздормиз.

Ислом КАРИМОВ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштинлар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг,
Оламга тапирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,
Сен Темури бешигин тебратган бедор,
Сенсан Ўзбекистоним, Нодирани зор,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Ватанини Она деб бекор айтмасан,
Она буторганда йўлдан қайтмасан,
Сен ўзинг Каббамсан, Байтул муқаддас,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Бошингдан нималар ўтмади ахир,
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,
Бобур шох бўлсада, қошигда фақир,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Гоҳида балқидинг Барчидек тўлиб,
Гўзадек қурдидинг Турсуной бўлиб,
Тимсоланг Яловда юлдуздек қулиб,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Фарзандинг қувонса — сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг, яшадинг, ёшнинг,
Нокиси учраса, ўрмандинг, тошнинг,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Келажак тойчоғу тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,
Ватан-ку Сиз турсан жойингиздадир,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сизга таълим қилиб турибман бу пайт,
Сизга бахтидадир энг шохона байт,
Азиз Ўртобонингизга дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа, гапинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУЪТАБААР ОНАЛАР, МУНИС ОПА-СИНГИЛАР!



Гул бўлиб, гулгун ёниб, гулшанаро Гулчехралар.

Рустам Шарипов олган сурат.

ТИПСИМЛАРГА ТўПА БОРЛИҚ

Нақадар ёқимли ва жозибador ушбу ҳикмат. Бунда аёлниң қиммати, буюклиги ва бебаҳолиги қайд этилиб ҳаёт билан тенглаштириляпти.

Ха, дарвоқе, аёл билан ҳаёт эгизак, ҳар иккаласи ҳам яшаши, тириклик ва бунёдкорлиқни билдирувчи мезон ҳамда унинг ижодкорларидир. Одамзотни дунёга келтирувчи ва давомийлигини амалга оширувчи бўлганлиги учун ҳам аёл азиздир. Шунинг учун ҳам у ҳаёт билан тенглаштирилади.

Аёл, аёллар ҳақида йўлар экансан, табиат уларга шундай буюк вазифа ато этганки, бу вазифа ўзининг танҳолиги билан, шарофатли эканлиги билан, бекиёс буюклиги билан, улуғлиги билан ажралиб туради. Инсониятни авлодлар билан боғлаб турувчи халқа ҳам она — аёллардир. "Аллоҳ тооло, — дедилар Йўлбошимиз Ислом Каримов, — инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарсас билан қийслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ... она бўлиш бахтидир".

Фарзанднинг дунёга келиши оиллага қувонч, шоду хуррамлик олиб келади. Фарзанд она — аёлниң дилбанди, хижрандидир. Доно халқимиз айтганидек, "Она — аёлларнинг бир қўли бешиқни, иккинчи қўли дунёни тебратди" тан даражададир. Шунинг учун бўлса керак, дунёдаги ҳамма яхши сўзлар аёлларни мадҳ этишга қаратилган, уларни қўлламаган, улар ҳақида илқ сўз айтмаган на бирор шоир ўтган ва бирозлари бир адиб бор. Алломалар ижодининг бош мавзуси ҳам оналар. Мусаввирлар бўёғининг сарасини аёллар сиймосини тасвирлашга сарф этадилар. Бастакор созининг оҳанги аёлларни мадҳ этаётганда тагин ҳам майинлашади. Хонанда аёлларнинг қўлаётганда хониши янаям жаранглашади. Аёллар ижодкорлар илҳомига манба. Аёл чексиз куч-қудрат манбаи ҳамда асл гўзаллиқнинг ижодкорлари ҳам улардир. Фарзандлари уларга термулиб бутун жисми билан маънавий озиқа олади. Аёл нигоҳлари дилини хушуд

Аёл қадри — ҳаёт қадри (Халқ ҳикматидан)

этиб, бутун борлигимизни нурафшон айледи. Нури нигоҳидан маъно томиб, чехраси ял-ял ёнаётган мафтункор сиймоларига боқиб лол қолсан, вужуддан меҳрибонлик ўфориб, чор-атрофга муаттарликларни таратаётган аёлларга таъинлаб бўлсин, дегинг келадди. Аёллар шундай зотки, унга чақалоқ ҳам, гўдак ҳам, бола ҳам, кишилар ҳам, ҳаттоки боболар ҳам талпинидади.

Танишларимдан бирини — ёши элликларга яқинлашганда докторлик диссертацияси химоа қилганлиги муносабати билан табриклашга тўғри келди. Кеча қаҳрамонининг онасига кўзи тушибди билан дўстлари, яқинлари орасидан чиқиб, унинг иқболига пешвоз туриб "Мана, она-жон, бўлди" деб, бутун жисми билан, борлиги билан она томон эркаланиб талпиндики, худди бамисоли эриб кетгандек бўлди. Ўғли онасининг кўксига бошини қўйиб, ўзоқ сафардан ҳориб-чарчаб келганлигининг ҳордигини маза қилиб чиқараётган эди. Ўғил ўзи ҳам тушунмаётган, аммо жуда ёқимли ҳиссиёт оғушида эди. Она ўғлининг бошини силаб, "Бошинг тошдан бўлсин, болам, мана охири мақсадингга етдинг", деб уни алқиди. "Омон бўл, камолнинг кўрсатганига шукр", деб унинг кўзларига тикилар, худди биринчи бор кўриб тургандек, меҳри товланар, ўғлининг муваффақиятидан жуда руҳланаётгандек эди. Онанинг ҳозирги дилидаги ҳиссиёти гўё ўғлининг чақалоқлигида биринчи бор табассум қилганидек жозибали ва мафтункор эди. Ха, она — аёл жуда бахтиёр, ўғлининг камолидан хурсанд эди. Ўзоқ йиллик тарбиявий меҳнатининг тотли меvasидан тотаётгандек эди. Ушбу лаззатли дамдан бахри дили очилиб, ҳаловат чашмасидан қонаётгандек эди...

Дўстимизнинг нафақат фарзандлари улгайиб қолганиди, балки набирилик бўлиб, боболлик гаштини сураётганлиги.

Мусокул УСМОНОВ,
Тошкент Молия институти профессори.

● Газетаниң бугунги сони кириб келаётган байрам ва нафосат байрами — Халқаро хотин-қизлар кун — 8 Март байрами муносабати билан муътабар оналаримиз ва мунис она-сингиларимизга бағишланмоқда.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетци қабул қилиб, унга "Дўстлик" орденини топишди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Украинанин мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Анатолий Касьяненко, Покистоннинг мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Фазал Гафур, Канаданин мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Ирвин Родней, Мексика Қўшма Штатларининг мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Эрике Буи Флорес ишонч ёрлиқларини топишди.

● Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида рангли металл чиқиндилари, темир-терсак ва ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган бўмларнинг талон-тарож қилинишига чек қўйишга доир чора-тадбирлар кўришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкентда "Микромолиялаш" дастурини қандай бошлаш ва режалаштириш зарур? мавзусига бағишланган тренинг курси очилди. Мазкур тадбир Евроосиё, Сорос халқаро жамғармалари ва Республика бизнес-инкубатори кўмаги билан қароргоҳи Варшавада жойлашган Марказий, Шарқий Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бўйича Микромолиялаш маркази томонидан ташкил этилди.

● Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан яқинда нашр этилган рисола "Давлат тили: муаммолар ва ечимлар" деб номланади.

● Бугун Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида таниқли этнограф ва ёзувчи Габриэле Келлернинг "Ўзбекистонда аёллар маданияти" фотоқўرғазмасининг тантанали очилиш маросими ва ўзбек халқ эртаклари ва рақсларининг энг яхши ижрочиси танлови бўлиб ўтди.

● Эртага пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар кун — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилади.

● "Инсон ва жамият" — Ўзбекистон мактаблари ва ўртамаксус ўқув юрларида ўқитиладиган мазкур янги ўқув қўлланмаси Гафур Гулом номидаги нашриётда босилиб чиқди. У республика Қизил Ярим Ой жамияти ва халқаро Қизил Хок кўмитасининг минтақавий ваколатхонаси ёрдамида тайёрланди.

● Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида "Муай-тай" бўйича республика чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри клубларининг 18 ёшдан катта спортчилари 15 вазн тоифасида ғолиблик учун рингга чиқишди.

● Шахмат бўйича навбатдаги республика чемпионатининг биринчи лига мусобақалари ниҳоясига етди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннанин тавсиясига кўра, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Фарбий Сахрои Кабирда референдум ўтказиш бўйича БМТ миссиясининг ваколат муддатини жорий йилнинг 31 майгача узайтирди.

● Туркия ҳукумати мамлакатда илк атом электр станциясини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркия давлат вазири Мустафо Йилмазининг айтишича, АЭСни мамлакатнинг Мерсин вилоятида қуриш режалаштириляпти.

● Араб денгизининг фарбий қирғоқларида Ҳиндистон ва Франция харбий денгиз кучларининг қўшма машқлари ниҳоясига етди.

● Ливан ҳукумати Япониядаги "Қизил армия" "экстремистик гуруҳининг беш нафар фаолини Токио маъмурларига топширмаслигини маълум қилди. Хабарларга кўра қалбаки ҳужжатлар ёрдамида чегарадан ўтишда айбланиб, Ливанда қамок ҳазонини ўтаётган ушбу шахслар Байрут маъмуриятидан сийсий бошлана сўраган.

● Кеча Италия шаҳарларида "Дам олиш кун — пиеда" тадбирининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

● Жанубий Африка Республикаси Президенти Табо Мбеки "Катта саккизлик" сафини ривожлантаётган давлатлар хисобига янада кенгайтириш ташаббусини илгари сурди.

● Уругвайда ҳокимиятни мамлакатнинг янги президентига топириш маросими бўлди.

● Дания ташқи ишлар вазири Нильс Хелверг Петерсен Болтиқбўйи мамлакатлари кенгашига аъзо давлатлар ҳукуматлари раҳбарларининг навбатдаги мажлиси 12-13 апрель кунлари Даниянинг Коллинг шаҳрида ўтказилаганини маълум қилди.

● Буюк Британия мудофаа вазири делегацияси Грузияда бўлди. Сафар давомидида ушбу мамлакатнинг олий мартабали харбий раҳбарлари билан икки давлат ўртасида харбий соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

● Женевада аънавий халқаро автосалон очилди.

● Германия ҳукумати табиий офатдан жабр чекаётган Мозамбик аҳолисига ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Жумладан, у ерга 10та вертолёт юборилди. Яқин кунларда яна 10 та ана шундай кутқарув машинаси жўнатилади.

● Филиппин жанубида сўл радикал исёнчилар ҳужуми оқибатида 10 нафар харбий ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, "Янги халқ армияси" жангарилари ҳукумат армиясининг Балилихан шаҳрида жойлашган бўлимасига ҳужум қилган.

● Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинң Нью-Йорк ва Вашингтондаги гастроль концерти муваффақиятли ўтди. Машҳур ўзбек кўшиқчисининг Америка бўлачагининг қисқа муддатли гастроль концертлари океан ортида ҳам Ўзбекистонга, айнакча унинг серкйра санъатига нисбатан катта қизиқиш борлигини кўрсатди.

● Бугун Россиянинг Твери шаҳрида ёшлар ўртасида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилди. Унда 30 мамлакатдан, жумладан, Ўзбекистондан ҳам спортчилар иштирок этишди.

● Дунёни ҳаво шарида айланиб чиқиш ишкйбозлари йилдан йилга кўпаймоқда. Ана шундай шововозлардан бири америкалик Кемел Улиаси 6,400 йўл босиб, яқинда Африка қирғоқларида етиб келди. Маълумотларга қараганда, унинг шарй ҳозир соатига 64 километр тезлик билан ўчмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Илгари хабар берганимиздек, 1 мартдан бошлаб мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини ойлани бошланди.

Ушбу ойликнинг пухта ва тартибли ўтказилишини таъминлаш, умуман, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан маслаҳатлашиб олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт ҳокимлиги кузурдаги йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи уринбосари Аҳамжон Миржалолов олиб борди. Дастлаб Тошкент шаҳар ИИББ йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги назорати бошқармаси бошлиғи Равшан Даминов 1999 йилда амалга оширилган ишлар ва ИТХлар, шу соҳадаги камчилик ва муаммоларни таҳлил қилди. Ушбу соҳада амалга оширилган ишлорларнинг самараси тўғрисида тўхталиб, келгусида болалар онгига йўл ҳаракати қондаларини сингдириш мақсадида истироҳат боғларида Болалар шаҳарчаларини ташкил этиш, шаҳарда йўлчи-роқларнинг янгила тизимини жорий қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам автокорхоналарда техник кўрикни ўтказиш, автоуловларнинг экологик ҳолатини талаб даражасига келтириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан хориждаги илгор тажрибаларни қўллаш, автомашиналарни сўғурталашини янги турларни тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдиришди.

Йиғилишда камчиликларга барҳам бериш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан режалар ва дастурлар ишлаб чиқиш мuddатлари белгилаб олинди.

Футбол

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Миллий банки уйигоҳида кубок мусобақасининг чорак финал уйлари бўлиб ўтди.

Унда Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Қаршининг "Насоф" клубини қабул қилди. Бу йилги мавсумни бир қанча етакчи йўнчиларсиз бошлашга қарор қилган "Пахтакор"нинг таркиби Рустам Абдуллаев, Сергей Лебедев каби истеъдодли йўнчилар билан тўлдирилган "Насоф"га қарши қай йўсунда уйнаши муҳйисларни қизиқтирарди. Аммо,

очкига бу уйинда моҳмонлар устунлиги сезилиб қолди. 34-дақиқада Рустам Абдуллаев мезонлар дарвозасига киритган игона тўпга "Пахтакор"чилар иккинчи бўлимининг 43-дақиқасида Нўрмон Нурматовнинг 17 метрлик жаримдан йўллаган гол билан аранг жавоб беришди, ҳолос. Ҳисоб 1:1.

Чорак финалнинг қолган уйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди. "Нефчи" — "Семур" — 4:0, "Навбахор" — "Дўстлик" — 2:2, "Самарқанд" — "Сўғдиёна" — 0:0. Чорак финалнинг жавоб учрашувлари 9 март кунй бўлиб ўтади.

Анвар ЙўЛЧИЕВ.

Инсон фотираси — муқаддас тўйга

ЧАРМ ТўП УСТАСИ ЁДИ

Футболда ўзбек "Пеле"си деб ном қозонган Ҳамид Раҳматуллаевнинг таъинидаган спорт муҳаси топиламас керак. Чунки бу истеъдодли футболчи 60-йиллар ўзбек футболы ривожига ўзининг бетакор, чаройи уйлари билан салмоқли ҳисса қўшган спортчи.

КЕЧА

моҳир футболчи яшаган Шайхонтоқур туманидаги Ҳадра маҳалласига унинг ёру дўстлари, маҳалладошлари ва собиқ "Пахтакор"чилар йиғилиши. Тошкент шаҳар жис-

моний тарбия ва спорт кўмитаси, "Пахтакор" фахрийлар клуби ташаббуси билан ўтказилган ушбу янги қатнашчилар Ҳадра маҳалласи кўчаларидан бирига Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан Ҳамид Раҳматуллаев номи берилганлигининг тўғриси бўлиб ўтди.

Ҳадра маҳалла оқсоқоли Тоҳир Муслимов, Асқар Самиев, собиқ "Пахтакор"чилар Акмал Азизқўжаев, Бақодир Иброҳимов, Элмур Аминовлар Ҳамид Раҳматуллаев билан ўтказилган дадилари ҳақида таъкидлар, марҳум футболчи хотирасини яна бир бор ёдга олдilar.

Ақбар ЙўЛДОШЕВ.

Қўлашлар

Қўшиқда Куйлаш Бахти

♦ **Ғулмжон ЁКУБОВ,**
Ўзбекистон халқ артисти:

— Аёл ҳаётнинг энг муҳизакор хилқати. У оиламиз фаршаси. Ўзбек аёлининг одоби, ифбат-ибоси, шарму ҳаёси, олижаноб инсоний фазилатлари бизга гоя азиз. Шунинг учун ҳам улар ҳаммаша суюкли, ардоқли, қадри. Қўшиқларда мадҳ этиб чарчамаймиз — она сифатида, сингил сифатида, вафоли ёр сифатида, қиз сифатида. Хур жамиятимизнинг барқ уриб очилган гуллари, барча аёлларга истак ва тилакларим: меҳр нуллари чехрангизни ёритсин, кўзларингизни порлатсин, табассумингизда жилвалансин, сўзларингизни илитсин. Ахир бекорга «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деб куйланмаган. Сизларни қўшиқ қилиб куйлаш бахти ҳаммаша насиб этаверсин!

ТИЛАКЛАРИМ Кўп

♦ **Тоҳир МИРОДИЛОВ,**
тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг бош шифокори, Олий Мажлис депутати:

— Аёл борки, олам мунаввар, деймиз. Нафақат олам, хонадонимизнинг чаргонлиги, дилларимизнинг нурафшонлиги, меҳр-муҳаббатимизнинг чексизлиги муҳтарам аёлларимиз туйғайди. Аёл — онамиз, рафиқамиз, опа-сингилмиз, қизимиз. Уларнинг юзларидан севинч, кўзларидан қанқоқлик кимларни мафтун этмайди, дейсиз. Аёл саломат бўлса, олам саломат бўлади, соғлом, баркамол авлод вояга етади.

Аёлни дунёдаги энг чиройли нарсаларга тенглаймиз, чунки оромимизни ўғирлайдиган ҳам, ором бахш этадиган ҳам аёлларимиз. Байрамда мунис аёлларимизга шу қадар тилакларим кўпи, сўз билан ифода-лашга тил ҳам ожизлик қилар экан. Истардимки, ҳар биримиз уларни шундай авайлайликки, шундай эъзозлайликки, гўлгун чехралар асло сўлмасин. Шу ўринда шoirнинг куйидаги мисраларини такрор-такрор ўқигим келади:

Сени ёдлар тугул хатто,
Қилурман рашиқ ўзимдан ҳам
Узоқроқ термулиб қолсам,
Бўлурман гаш кўзимдан ҳам.

Дунё сиз Билан Гўзал

♦ **Эркин КОМИЛОВ,**
Ўзбекистон халқ артисти:

— Агар дунёнинг ҳамма ерига гуллар экилса-ю уларнинг хушбўйлари оламни тўтса, гўзаллигидан кўзлар ҳаммаша ҳам мен бу дунёни гўзал деб айтмайман, агарки улар аёл гўзаллигидан, латофатидан баҳраманд бўлмаса. Очилган гулнинг барчаси тароватли. Қулиб турган аёлнинг ҳаммаси дилбар. Менинг беш қизим бор, ҳар бири бир олам, бир жаҳон — гўзал, оқила, пазанда, меҳрибон. Оллоҳга минг бора шукр, дунёда аёллар — она, рафиқа, меҳрибон қиз, опа-сингиллар борлигига, ҳаммаша соғ-саломат бўлинглар, гўлгун чехрангиз бахт ва шукроналик билан тўлиб турсин. Мен аёлисиз ўйи — чироксиз уйга ўхшатаман. Истардимки, ҳеч қайси уйнинг чирогини ўчмасин, ҳаммаша ёниб — оиласининг, фарзандларининг кўнгли уйини ёритиб юраверсин.

ҚАЛБИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ

♦ **Феруз АШРАФИЙ,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор:

— Мен аёлларга шундай таъриф берган бўлар эдим: улар қалбимиз меъморлари, муҳаббатимиз тимсоллари. Аёли бор хонадон доимо чаргон, чунки оила ана шу она меҳридан ёниб ётди олади, оқила бека лобарлигидан нурга бурканади. Меҳрибон, қалби дарё аёлларимиз борки, санъатимиз равақ топади, чунки шoirи ёзувчи, расому хайкалтарош унинг гўзаллигидан баҳра олади, юксак чўққиларга кўтарилади.

Аёлни эъзозлаган эъзоз топади, дейишди. Буни Мустиқил юртимиз тимсолида кўриш мумкин. Истардимки, аёлларимиз ҳар доим бизнинг қў-қувватимиз, қудратимиз бўлсин. Уларнинг кўлусидан олам кулсин. Нафақат байрамларда, биз ҳар куни уларни кутлайлик: ёнимизда борлиги, ҳаммаша бизга ёрлиги учун.

Муътабар ҳам мактабда ўқиб юрган кезларидек «Дўхтир бўламан» деб орзу қилганида онаси «Одамларни севасанми?» деб сўраган эди. Ана шунда ажабланган Муътабар бугун бу саволнинг маъносини чуқур англаб етди. Ҳа, чиндан ҳам шифокор, аввало одамларни севиши керак: айниқса сenga нажот билан тикилиб турган беморнинг ҳаёти шифокор учун ҳам бебаҳолигини ҳис этмоқ даркор.

Орузи қанот бўлиб, Тошкент Давлат тиббий институтда шифокорлик сирларини мукаммал ўрганган Муътабар Чкалов номи Тошкент амбулатория шифокорлик бирлашмаси тиббиёт-санитария бўлимида назарий билимларини амалиётда қўлай бошлади. Сўнгра шахримиздаги 15-шаҳар касалхонасида даволловчи шифокор бўлиб фаолият кўрсатди. Каерда иш-ламасин, беморлар дардига малҳам бўлишни ўзининг асосий вазифаси эканлигини унутмади. Йиллар шифокорга малака берди, касбига садоқат туйғулари уни ютди.

Бугун Муътабар Қосимова олий тоифали шифокор. У 20 йилдирки пойтахтимиздаги Федорович номи клиник шифохонада фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзининг тажрибаси, ширин-сўзлиги билан ҳамкасблари орасида алоҳида ўрин тутади. Мана шу ўтган йиллар давомида унинг малакалари билан юзлаб, минглаб беморлар ўз дардларига даво топти.

Беморнинг кайфиятини кўтариш уни даволашда жуда муҳим роль ўйнайди, — дейди Муътабар Қосимова. — Аввало бемор шифокордан на-

ДАРДЛАРГА МАЛҲАМ

Инсон қайси касбда иш-ламасин, унга астойдил меҳр қўйса, албатта ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Энг муҳими, у ўзи танлаган касб сир-асрорларини, нима-ни талаб этишию қай йўсин-да иш юритишини билмоғи даркор.



жот кутади. Унинг умидини сўндирмаслик, синчилаб текшириб, сўнгра даволлов бизнинг асосий вазифамиз саналади. Беморнинг ташқи кўриниши, уни нималар безовта қилишини мукаммал ўрганишга ҳаракат қиламан. Ана шунда уйлаб қўяман: шифокор бўлиш шунчаки ҳавас эмас. Бунинг учун касбга, одамларга астойдил меҳр керак. Одамларни, ҳаётни севамоқ керак. Тўғри, ўртамеъна ҳисобчи, ёзувчи,

шoir бўлиш мумкин, лекин инсон сало-матлиги йўлида хизмат қиладиган шифокор ўз касб сирини мукаммал билмаса, йўл қўйган хатоси фожиага олиб келади. Шунинг учун ҳам инсон шифокор бўлиш-ни ўзи чин дилдан хошлаши, унга ихлос қўймоғи даркор. Беморларнинг «Раҳмат, дардим энгилмади» ёки «Бугун анча тузукман» деган сўзлари шифокорга бир олам қувонч бахш этади, меҳнати зое

тўлсин, дегимиз келади.

Биз гул дўконларидаги гулларга ҳавас билан қараб қўямай, уни еттиштиратган ҳўжаликда бўлишга ҳам жазм

талар тайёрлашди.

Ҳар бир байрамимизнинг ўзига хос гашти бор. Бу ҳеч кимга сир эмас, — дейди бошқарма раҳбари Абдулқазиз

войи гуллар билан таъмин-лаймиз. Режалаштирилган беш кун учун мавзуд дўконларга 13.000 минг донна чингил, 10000 донна лоп, 60000 донна фрезия, 3000 донна қанай гул, 5000 донна нарцис ва 10000 донна атро гулини етказиб бе-рамиз. Ҳар гал гул тахла-мини жўнатаётганда, аёл-ларимизни қалби ана шундай беғубор, сержило бўлиб, улар қучоғи ҳаммаша гул би-лан тўлиб бўлсин, дегим кела-ди. Гул баробарида 380 нафар ходимимизнинг меҳ-ри ҳам тортиқ этилади.

Гўлзода АБДУЛЛАЕВА.

ҚУЁШДАН КУЧЛИ

Қуёшдан сўрашибди:
— Сенинг ҳароратингдан зўрроқ ҳарорат борми?
— Бор, — жавоб бериб-ди қуёш. — Она меҳри ме-нинг тафтиддан қучирик.

Улимдан сўрашибди:
— Сenga бас келадиған куч борми?
— Бор, — дебди ўлим, — бу — Она меҳри, мени ҳам чекинтиради.

Оналаримиз меҳри ҳеч қанча сўмасин, унинг таф-тидан ҳар бир фарзанд баҳ-раманд бўлсин.



Она билан бола — гул билан лола.

Қатра

«ОНАМНИ Кўрғани...»

Янги уй олган пайтимиз. Ўғил-қизини кийинтириб, онамни кўргани отланмиди. Дарвозадан чиқишимиз билан кўшимиз Адибахон сўрашиб, бўлди-ю, саволга тутилди.

— Ясаниб қасққа отлан-дингиз?

— «Онамни кўрганимиз» кетгани учун жавобни йўл-йўлаккай бериб уларнинг кет-тидан илдамлаб борар экан-ман кўшимнинг:

— Бахти экансиз! — деган гапини эшитиб қолдим.

Онам аввал набиралари, кейин мен билан кўришди. Ана шунда ажиб бир ҳид туюлди. Онамнинг ҳиди... Бо-лалигимни эсга солиди. Онам сўрашар эканлар, юз-ларимга, кўзларимга тикила-ди: кайфиятимни, соғлигим-ни билиб олади. Қизим олиб келган совгамни бунисига берар экан, қучқоқлаб ўпади, онамнинг рўмоли сирғалиб тушди.

— Бувихон, нега сизнинг сочларингиз оқ, менинг ой-нимники қоп-қораку, — са-волга тутилди.

— Соҳимнинг қорасини ойнитга берганман, — дейди онам жимайиб.

— Ойи, шунақами? — ажабланиб менга боқди қизалоғим.

— Ҳа, шунақа, — дейман-да, онажонимга тикиламан:

онажон, Сиз қошу кўзингиз қорасини ҳам, қалбимдаги меҳрини, юзингиздаги ёдунини ҳам менга бергансиз, деб ҳайқиргим келади.

Баъзан келганимда, эдик-ни келишим ёки жияларим очилади. Биринчи саволим, онамнинг уйда ёки уйдаси-лигини сўрайман. Кўшимни-кида бўлса ҳам юрагим ҳа-риқиб кетади, агар узоқроқ жойга кетган бўлса кўзла-римга ёш келди: ахир мен онамни кўргани келдим-да.

Ана шунда онани ҳеч кимга алмашиб бўлмаслигини, она ўрнини ҳеч ким босолмас-лигини чуқур ҳис этаман.

Остонада онам кўринганда эса, бутун борлигим билан қувонаман: менга шундай шодлик ато этган борлигиз-гизга шукр онажон, дейман.

Байрамларнинг қутлуғи — 8 Март куни яна онамни табриклагани — ҳузурларига отланаман. Ахир оналар учун фарзандлар табригидан ҳам ортиқ шодлик бўлмаса керак. Яна кўшим сўроққа тутилди:

— Ял-ял ёниб қасққа от-ландингиз?

— Онажонимни кўргани... Ана шу гапни ҳар доим айттим, йиллар бўйи такрор-лагим келади. Бахтимга дунё тургунча туринг, онажон, менга эса сизни йўқлаб бо-риш мулоим насиб этсин.

Шарифа МАНСУР қизи.



Аёл борки,
олам мунаввар



Мустиқилликка эришганимиздан бўён ўтган давр мобайнида ҳар бир ортда қолаётган йилнинг аҳамия-ти залвориб бўлмақда. Айниқса, Ола, Аёллар йили ҳамда 2000 — Соғлом авлод йили мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юксак эътибордан, оналар мавқеи нақадар улуғлигидан дало-латдир. Қутлуғ 8 Март байрами арафасида Миробод тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Мохира РАХИМБЕРДИЕВА билан суҳ-батимиз алоҳида оширилган ишлар, аёллар манфа-атларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар, Соғлом авлод йили режалари ҳусусида бўлди.

— Аёл меҳридан дунё то-вланади, деб беҳижга айтил-майди. Ана шу меҳрининг қад-рига етиш, эъзозлаш ҳар би-римизнинг муқаддас бурчи-миздир. Сўхбатимиз аёллар учун энг эъзозли байрам ара-фасида бўлгани боис ҳам, ав-вало шу ҳусусда тўхталиб ўтсам. Асосий байрам тадби-римизни туманимизда жой-лашган Алишер Навоий номи Давлат Академик катта те-атрида тантанали тарзда ўтказдик ва энг илгор, фаол, тадбиркор аёллар, фахрий-лар давра туридан ўрин ол-дилар. Фаол ҳамда фахрий-ларга, Қаҳрамон оналарга байрам совғалари улашилди.

Шунингдек, байрам арафаси-да қария онажонларимиз ва кам таъминланган оила-ларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнглиларини кўтардик. Барча маҳаллалар-да байрам тадбирлари кўнглидагидек ўтказилганли-ги аёлларимиз кўнглини яна бир бор кўтарди.

— Соғлом авлод — мил-латимиз келажаги. Шу боис ҳам юртимизда бар-камол, соғлом авлод тарбиясига катта аҳамият бе-рилмоқда. Бу борада кўмита қандай ишларни амал-га ошириши режаларган?

— Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек «Буюк давлатни факат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади». Шу боис ҳам жисмонан бақувват бўлиш билан бирга руҳан, фикран соғлом, иймон-этиқоиди бутун, би-лими ва маънавияти юксак, қў-қудратли, она Ватанини чин дилдан севувчи фарзандларини соғлом авлод деи ола-миз. Ана шундай авлод тарбиясида, албатта хотин-қизла-римизнинг, оналаримизнинг роли нисбатда бекордир. Туманимизда 65 минг нафарга яқин хотин-қизлар истиско-мат қилиди. 41.327 та оила мавжуд. Кўнганимизнинг усту-вор йўналиши ёшлар билан ишлаш, баркамол авлод тар-биясига муносиб улуш қўйиш.

Қуни кеча Президентимиз «Соғлом авлод» давлат дас-турини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлисида дастурини ижро этиш жараёнида нимага алоҳида эъти-бор қаратилиши ҳақида тўхталиб, бу борада оптика усу-латор йўналишда шукр бўлди. Йўлбошимиз эътиборни жалб қилган ушбу йўналишлар ишларида дастуриламал бўлиши лозим. Чунки бу дастур факат бир йилга эмас, узоқ йилларга мўлжаллангандир.

Соғлом фарзанднинг дунёга келишида энг аввало оила — ота-она масъул. Шу сабабли ҳам ёшлар онги-да соғлом турмуш тарзи ва соғлом авлод тушунчалар

рини чуқур шакллантириш лозим.

Барчамизга маълумки, соғлом фарзанд туғилиши учун онанинг саломатлиги муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам бизнинг асосий мақсадимиз, эзгу ниятимиз хотин-қизла-римиз ўзининг саломатлиги, фарзанди соғломлиги учун биринчидан ўзлари масъул эканликларини англаб ети-шишига эришишдир.

Соғлом авлод йилида амалга ошириладиган чора-тад-бирлар режамизга кўра тумандаги 40 та маҳалланинг барчасида аёлларнинг маънавий ва тиббий саводхонли-гини ошириш борасида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида давра сўхбатлари ўтказмоқдамиз. Бу сўхбат-ларга малакали шифокорлар, мутахассислар қатнаш-моқда. Шунингдек, «Баркамол авлод — юксак маънавий

кеलाжамиз пойдевори» мавзусида илмий-амалий ан-жуман ўтказмоқдамиз. Тума-нимиздаги ҳомилдор аёл-ларни ўз вақтида диспансер рўйхатига олиш, она ва бола саломатлигини назорат қилиш ва ЭФЗ бўлган ҳоми-ладор аёлларни аниқлаб уларни соғломлаштириш борасида соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Аҳоли ўртасида замонавий тиббиёт билимларини тар-ғиб қилиш ишларини кен-гайтиришга, маҳаллаларда қариндош-уруғлар ўртасида-ги никоҳнинг оғир оқибат-лари ва ногирон болалар-нинг туғилишини олдини олиш мақсадида туман ФХД ҳамда соғлиқни сақ-лаш бўлими билан ҳам-корликда давра сўхбатлари ташкил этилади, мактаб, ўрта махсус билим юрти ва олий ўқув юртида қиз-ларни оилавий ҳаётга тай-ёрлаш учун «Қамолат», «Со-ғлом авлод» учун жамғарма-лари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар режа-

сига эгамиз ва уни амалга оширмоқдамиз. Боқувчисини йўқотган ва қариндошларининг уйда тарбияланаётган эътиборимизда.

Хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш мақсадида ту-мандаги 4-туғруқхонага замонавий УЗИ аппарати оли-ниди. Шунингдек, тумандаги барча туғиш ёшидаги аёл-лар «Соғлом авлод» учун жамғармаса билан ҳамкорлик-да кўча «Амбулатор» диагностика маркази томонидан тиб-бий кўриқдан ўтказилиб, даволаниши лозим бўлганлар-га масlahатлар, ёрдам бериб бормоқдамиз.

Барча эзгу ишларимизни амалга оширишда маҳалла, олий ва ўрта махсус ўқув юртилари, қорхона ва ташкилот-ри бизга яқиндан қўмақ бераётганлигини алоҳида таъ-кидлаш жоиздир. Айниқса, Аппоний номи маҳалладан Роза Авазжонова, «Билимдон» маҳалласидан Саври Пула-хотин-қизлар кенгаши раисларининг ибратли ишларини айтиб ўтиш лозим. Барча аёлларимизга, оналаримизга, ҳамда соғлом авлод тарбиясида энг катта масъуллик улар-нинг зиммасида эканлигини доимо ёдда тутишлар. Со-май, қў-қудратли ва эртасидир.

Сўхбатдош Шарофат БАХРОМОВА.



Бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратадиган аёллар. Рустам Шарипов олган суратлар.

Ибратнома

ДЕЙДИЛАР — ЕРНИНГ КУЁШИ

◆ Оналар оёғи остидадир
Равза жаннату жини боғи.
Равза боғи висоли истар эсанг
Бўла онанинг оёғи туфроғи.

Алишер НАВОЙИ.

◆ Аёлларга имкон қадар илқ муомалада бўлишга ҳаркат қилдим.

Амир ТЕМУР.

◆ Аёлларни фақат улуг одамлар ҳурмат қилади, уларни фақат пасткаш одам ҳурлайди.

«Ҳадис»дан.

◆ Она — ҳаётнинг гули, бола — унинг булбули.
◆ Аёлнинг сариштаси — рўзгорнинг фариштаси.
◆ Хотин бўлса қобили ақли расо,
Эрни шох этар гар ул бўлса гадо!

◆ Онани дейдилар — ернинг қуёши,
Башират ақли ҳиссининг боши.
◆ Яхши хотин бола-чақа, рўзгор ўйлар
Ёмон хотин ула-элик, ҳузур ўйлар.

Ўзбек мақоллари.

◆ Миллат келажяги — оналар қўлида.

О. БАЛЬЗАК.

◆ Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

Жан ПОЛЬ.

◆ Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

СТЕНДАЛЬ.

Нилуфар АБРОРОВА тайёрлади.

Назм

ТАЪРИФУНГГА ТӨПЛАМАЙЎБИ СЎЗ

Онажоним, бугун сенга,
Бордир айтар сузларим.
Сен туфайли ёруғ жаҳон
Қарди менинг кўзларим.

Авайладинг раҳмингда,
Тўққиз ой-ю тўққиз кун.
Кеча-қундуз ухламайин,
Бедорсан фарзанд учун.

Шўҳанларим сабаб бўлди
Оқаришга сочинини.
Болам бўлсин инсон дег,
Амадинг борингини.
Бардавомдир сенга инсон,

Алломалар яратдинг,
Чўқсак ташвиш ботқоғига,
Қўлларингни узатдинг.

Фарзандига раво кўрмас,
Ҳатто тикан дардини.
Биз-чи билмай ўтамиз
Оналарнинг қадрини.

Сенга ҳаёт мунаовар,
Мадҳ тайин оламга.
Бўлсин дединг, қўлим нури,
Куч-қувватим боламга.
Сўзлар бисёр, тугамайди,
Баён этсам дил изҳорим.

Узилмайди қарзим бироқ,
Бағишласам сенга борим.

Қалбинг дарё,
Меҳринг жўшқин,
Фақат сенда бу фазилат.
Саховатинг чексиз қилиб,
Бўлди ўзи лол табият.

Таърифунгга сўз топиамас,
Сенда кучли ирода.
Онадек улуг инсон
Бормикин бу дунёда.
Абдумўмин УТБОСАРОВ.

ОДАМИЗ ШАМЧУРЎҒИ

Сизсиз ҳаёт ҳаёт эмас, билсангиз,
Изингиздан гуллар унар юрсангиз,
Олам ёришди бир бор кўлсангиз,
Лаптофат соҳиб гузал Аёллар.

Катта оилада она, бекасиз,
Рўзгор дег кўнда ташвиш чекасиз.
Покиза қалб, муҳаббатга эгасиз,
Шоирлар шеърида газал Аёллар.

Бирингиз олима, бирингиз деҳқон,
Бирингиз таниқли, тадбиркор инсон,
Хуллас, ҳар жабҳада ўз ўрининг бор,
Ул аро ҳурмати азал Аёллар.

Илтижо қиламан, доим соғ бўлинг,
Оилам ёритган шамчироқ бўлинг,
Мен боғбон, Сиз эса гўзал боғ бўлинг,
Ҳаётим қувончи — дилбар Аёллар!
Абдуқодир ҚАЙУМОВ.

БОҒИНИНГ ГҶЛАМАРИ

Аёл гўзаллиги оламни безайди. Ҳа, муқаддас ва жафокаш, дилбар аёллар ўзларининг ҳам ташқи, ҳам ички гўзалликлари билан, назокатлари, жозибалари, меҳр-муҳаббатлари билан борлиқни, оилани безайдилар, нурафшон қиладилар. Қуёш тафтидек иссиқ бағриларида жажжи дилбандларини улғайтирадилар, меҳр улашадилар, оила деб аталмиш ҳаёт қўргонининг маликаси, бекаси, бу гўлшанининг файзу таровати ана шу гўзал ва оқил аёлларимиз туфайли. Оиланинг мустаҳкам ва обод бўлиши, саранжому саришталлиги, тинч-тотувлиги, ҳамма-ҳаммаси оқил аёлларимиз туфайли. Халқимизда аёлларнинг жони қирқта, деган ибора бор. Инкор этиб бўлмайди. Аксинча, ҳозирги даврда аёлларнинг жонини қирқта эмас, юзтага тенглаштира ҳам арзийди. Чунки уларнинг ҳозирги кунда турли жабҳаларда фаол меҳнат қилаётганларининг гувоҳимиз.

Тарихимизга назар ташласак, ўтмишда ҳам довурак, ботир, кўрмас, гўзал, тил таърифлашга оқиб аёлларимиз яшаб ўтганлар. Улар бизнинг орамизда бўлмасаларда, лекин уларнинг қолдирган излари, намуналари ишлари, қонли жангларда қатнашганлари, ёзган бебаҳо асарлари, шеърлари хунозга бизнинг қалбимизда ардоқланади. Ана шундай аёлларимиздан Увайсий, Зебуниссо, Нодира-бегимлардир.

Тарихдан маълумки, деярли барча буюк боболаримизнинг оналари ўқимшили бўлишган. Ибн Синонинг оналари Ситорабону ҳам, Мирзо Улуғбекнинг оналари Гавҳаршодбегим ҳам, Навоий бобомизнинг волидалари ҳам, Бобур Мирзонинг оналари Қўлғу Нигороним ҳам етук билим эгалари эдилар.

Х а с р д а к Туркистонимизда етук шоирлар етишиб чиққани билан фаришадас арзийди. Бу даврда яшаб илқот этган Робия Балхий, XI асрда яшаган Ойша Самарқандий, XII асрда яшаган Муниса, XIII асрда яшаган Мутриббегимларнинг номлари ажойиб шоирлар сифатида тарихда қолган. Меҳрий, Нихоний, Ифтидий, Жамила, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун каби шоирларимиз эса Алишер Навоий бобомизга замондош бўлганлар.

Ҳозирги кунда ҳар бир соҳада фаол меҳнат қилаётган олим аёлларимиз кўпайиб кетмоқда. Аёлларимиз илм-фанининг ривожланишида эркаклар қадри фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Ўтмишда олим, ўқитувчи, илм, таълим-тарбия ишларини отин аёллар олиб дунёга машур бўлган Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби кўна шаҳарлардаги йирик кишлоқларда деярли ҳар бир маҳаллада отинийлар бўлган, улар ўз уйларида мактаб очиб, кўз болаларга савод ўргатишган. Мумтоз адабиётимизнинг ақил-ноилар бўлиши шоирларимизга отинийлар муаллифлик, мураббийлик ва устозлик қилишган.

Бобурийлар хонадонига мансуб Зебуниссобегим, Гулрухбегим, Нуржон, Жаҳонро, Салима каби улаб шоирлар, «Бобуринома»нинг узвий давоми бўлиши «Хумононома»нинг муаллифи Гулбадонибегим ҳам илқ сабоқчи отинлардан олишган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўпайиб олий ўқув юртилари, мактаблар, коллежлар, боғчалар ва бошқа ташкилотлар мавжуд. Асосан аёлларимиз шу жойларда фаол меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам аёл зоти ҳар томонлама етук бўлиши керак. Аёлларимизнинг жамоат, давлат, сиёсат ишларидан ташқари, уларнинг зиммаларида оила ҳам туради.

маскани, шу муқаддас даргоҳнинг маънавий-ахлоқий муҳитини яратувчи мўтабар зотдир.

Қалбининг иймонли ва ҷҳмонлиги ёки, аксинча, бағритишлик ҳам оилада шаклланади. Оналаримиз бу муқаддас вазифани жуда оддий йўл билан, яъни оила одоби, демакки, халқ одобининг энг ибтидоий қирралари — каттага ҳурмат, кичикка иззат, му-

Дил изҳори

СИЗ ЗЕБОСИЗ,
СИЗ ДОНОСИЗ,
ГЎЗАЛ БИР МАЛАК!



Халқимизда аёлларимиз, оналаримиз мадҳ этувчи кўпайиб кетмоқдалар, ҳадислар ва шеърлар мавжуд. Ҳадисларда айтилгандек: «Авал онанга яхшилик қил, яна онанга ва яна онанга яхшилик қил», «Жаннат — оналар оёғи остидадир», «Яхши аёл — жон малҳам» дейилган.

Халқимиз, миллатимизга оид қайси манба, қайси қўламага мурожаат этман, она, аёл шу оиланинг муқаддаслигини таъминловчи мўтабар инсон сифатида таърифланади.


Қурбон Каримда, ҳадисларда аёл — онани улуглаш кераклиги ҳақида кўпайиб ибратли кўрсатмалар бор. Уларнинг ҳаммаси аёл — онанинг оилада тутган ўрнидан келиб чиқиб айтилганлигини унутмаслик керак. Негаки, дунёга янги келган фарзанд учун оила — илқ тарбия маскани бўлса, аёл — она шу тарбия

росани мадара, юлдузга юлдузга мослаб яшаш қабиларини фарзандларига сингдириш, ривожлантириш билан утаганлар. Оқибатда халқимизга улуг фарзандларни етиштириб берганлар. Оналарнинг, хотин-қизларнинг обрў-этиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини қадрлаб, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолаш мақсадида Президентимиз томонидан бу йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинган ва бу борада жуда муҳим дастур ва қарорлар қабул қилинган барчага маъна. Оналар, ёш авлод тугригисида давлатимиз томонидан қўрсатилаётган бекиёс ғам-хурқатлар ҳамда яратилаётган барча имкониятлардан маъмур бўлиб, шарқоналар айтишимиз лозим.

Гулором ҲАМИДОВА.

Инсон умри беълоч.

Оқар дарё мисол ўта-
ётган шу азиз умримиз-
нинг ҳар бир дақиқасига
шукроналар келтириб,
уни самарали, мазмунли
ўтказишга ҳаракат
қилишимиз лозим. Сабр-
қаноат, меҳнатсевар-
лик, кенг феъллик,
ҳалоллик инсон умрини
узайтирувчи омиллардан
бўлса ажабмас. Пирӯ ба-
давлат, юз ёшни қарши-
лаган инсонлар борлиги-
ни эшитганимизда, ал-
батта улар билан уч-
рашиб, дилдан сўхбат-
лашиб, юз йиллик хоти-
раларини тинглашга
қизиқамиз.



Ҳозирги кунда ана шундай узоқ умр кўриб, фарзандлари, 61 нафар набира, 22 та эвара, 10 та чеваралари ардоғида юз билан юзлашиб, салкам уч аср билан юзлашаётган 105 ёшли Шафрат ая Юсупова номини эшитган, бу онахон билан учрашиб, сўхбатлашганга аҳд қилдик.

Шаҳримизнинг Ақмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласида истиқомат қилувчи бу табарруқ онахонни йўқлаб хонадонларига ташириб буюрганимизда, қувончи шодибаннинг устидан чиқдик. Шафрат аянинг чеваралари яна иккитага кўпайишибди. Бир кунда тўйлари бўлган Фотима ва Зухра исмли бири-бириндан гўзал ва оқил эваралари мўъжизани қарангки, яна бир кунда кўзлари ёриб, фарзандли бўлишибди. Бу қувончи хабардан оила аъзолари, айниқса Шафрат ая бениҳоя мамнун ҳолда яратганга шукроналар айтиб, фарзандларига узоқ умр тилаб, тинмай дуо қилардилар.

Ҳа, юз билан юзлашиб, бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Ҳақиқатан бу кунларга етганлар бор, етмагандлар бор. Бир пилла чой устида хонадон эгалари билан сўхбатлашган чоғимиздаёқ бу оилада қандайдир ўзгача фойз, саранжом-саришталлик, меҳр-оқибат, тотувлик борлигига ишонч ҳосил қилдик. Оила даврасида, уй тўрида мулоим чеваралардан нур ёғилиб турган Шафрат аянинг юзларидаги сон-саноксиз ажинлар гўё юз йиллик умрлари мобайнида босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлларидан гувоҳлик бериб турибди. Жуссалари кичик бўлгани билан анча тетик ва бардам онахон (қулоқлари озгина оғирроқ демаса) биз билан очик кўнгиллик, мулоимлик билан сўхбатлашдилар.

Шафрат аяга ҳаётлари қандай кечгани, узоқ умр кўришнинг сирини нимада эканлиги ҳақида савол берганимизда, ая майингина жилмайиб, аста хотираларини ёлға-олдилар:

— Эҳ-ҳе, уруш даврида кўрмган қийинчиликларни кўрдик. Не-не азоб-уқубатли, оғир турмуш синоватлари бошимизга тушди. Ҳаммасини сабр-матонат, қаноат билан ютдик. Оллоҳга шукр, йўқчилиқни ҳам, тўқчилиқни ҳам кўрдим. Турмуш ўртоғим Юнус Юсупов жуда оғир, ваэмин, саранжом-саришта, фарзандларимизга ўта меҳрибон ва талабчан киши бўлганлар. Икковимиз ҳам тиним билмасдик, меҳнат билан умримиз ўтди. Ўн та фарзанд кўрдик. Лекин афсус 4 таси ёшлиғида касал бўлиб, ноубуд бўлган. Шундан олти фарзандларимиз — уч ўғил, уч қизимизни воёга етказиб, ўқитиб, ақлли, меҳнатсевар инсон қилиб тарбияладик. Уруш вақтлари катта қизим фабрикада ишларди. У ерда солдатлар учун ҳарбий кийимлар тикишарди. Қизим уйга ҳам ана шундай ишларни олиб келарди ва шу ҳарбийлар формасини тикардик. Бундан ташқари тандирда нон ёпиб, тирикчилик қилганмиз. Болаларни воёга етказган, улар кейин меҳнат қилиб оталарига ёрдам беришди. Фарзандларимизни ўқитдик, меҳнатга ўргатдик. Хулоға шукр, улар бири-бириндан меҳрибон, ақлли, динёнати бўлиб ўсди. Маҳалладагилар нукул: «Бу фарзандларингизга қандай тарбия бергансиз? Улар жуда одоб-

ли, тарбияли, ақлли» дейишарди. Узоқ умр кўришнинг сабабига келсак, менимча сабр-қаноат, меҳнатсеварлик, кенг феълликдан бўлса керак. Борига қаноат қилиб, бор-йўққа чидаб, турмуш кечирдик. Амакинги билан бирон марта сан-манга бормадик. Бир-биримизни ҳурмат қилиб, тотув яшадик. Оллоҳга шукр, фарзандларим ҳам, набира ва эвара-чевараларим ҳам ўқимшили, меҳнаткаш, ақил-иттифоқлар. Бу қуларини кўрсатганига шукр.

Шундай дея яна дуога қўл очди Шафрат ая хотираларини эсга олиб, бир оз енгил тортандек бўлиб.

Ҳа, онахон билан сўхбатлашиб, биз ҳам у кишидаги самимийлик, меҳр-муруват, ҳалол ва инсонийлик сингари фазилатларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳозирги кунда ая ўғиллари —

Собир Раҳимов туманидаги 4-оилавий поликлиника бош врачси Файзулла ака Юсупов ҳамда келинлари Шайхонтоҳур туманидаги 38-мактабда кўп йиллар математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган Мавжуда опа Юсупова ва уларнинг ўғиллари, келинлари эвара, чеваралари ардоғида, эъзозла яшаб келмоқдалар.

— Шанба ва якшанба қуларни хонадонимизда гўё тўй бўлиб кетади, — дейди бизга келинлари Мавжуда опа, — ойинимизни кўргани ўғил-қизлари, набира, эвара-чеваралари келишади. Уйимизда шу азиз онахонимиз туфайли фойз-баракат бор, меҳр-оқибат бор. Аҳиллик бор жойда тинчлик-хотиржамлик, оқойишталик бўлади, албатта. Биз уч келин ойимизни қайнона эмас, ўз онамиздек севамиз, ҳурмат-иззат қиламиз. Шунча йил бирга яшаб, бирон марта қаттиқ гапирганларини билмаймиз, келинларга жуда меҳрибон, оққўнгил, юраклари кенг, сабрли, қаноатли аёл бўлганлар. Узоқ умр кўришларининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Оила тотувлиги унинг соҳибаси — аёлга боғлиқ, дейишади. Ҳақиқатан ҳам бунини ҳаётимизнинг ҳар бир кунини, ҳар бир дақиқаси оилалар мисолида исбот этиб турибди. Шафрат ая ва Юнус ака Юсуповлар онаси ҳам ана шундай бағри бутун, фаровон, тотув оилалардан ҳисобланади.

«Олтин олма, дуо ол», «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган ажойиб мақоллар айтиб Шафрат аянинг фарзандлари учун айтилгандек. Чунки улар оналарини меҳр билан эъзозлаб, ҳурматлаб, доимо дуоларини олиб, жаннатни инсон бўлиб яшамоқдалар.

Ая билан хайрлашар эканмиз, бу азиз пирӯ бадавлат онахон дуога қўл очиб Юртбошимиз исмларини тилга олиб, узоқ дуо қилдилар. Оллоҳдан юртимизга тинчлик, омонлик тиладилар. Биз ҳам онахоннинг муборак дуоларини олиб, уларга яна узоқ умр, соғлик ва бардамлик тиллаган ҳолда барчамизга ана шундай ёш насиб қилишини, фарзандлар, эвара-чеваралар даврасида эъзозла бўлишликни чин дилдан ниёт қилдик.

Дилором ИКРОМОВА.

СУРАТДА: 105 ёшли Шафрат ая Юсупова чеваралари Махмуда ва Мохиралар даврасида.
Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ҚИРҚТА ЭМАС, ЮЗТА ЖОНЛАРИ

Кўпчилик аёллар уй юмушларини адо этиб ўйда ўтиришни, ҳеч қерда ишламаслиқни афзал кўришади. Лекин ана шу ишлар, уйда ўтирган аёлнинг кундалик вазифалари ҳақида бир мулоҳаза юритиб кўрайлик-чи...

Муҳтассиларнинг фикрича, аёл кишининг уй юмушлари учун сарф қилган қуввати футболчининг бир кунда икки футбол ўйинида кетказадиган қувватига ёки пойгада қатнашаётган велосипедчининг 80 қажирим йўл босиши учун керакли бўладиган қуввати тенг бўлиб, бекалар 8 соат давомида уй ишлари учун 1,5 минг килока-

лория сарфлашар экан. Дарҳақиқат, кундалик юмушларни бажариш учун уй бекаси бир кунда аллақанча касбларни ўзида жамлаган моҳир муҳтассил каби тинмай ҳаракат қилади. Яъни, у бир вақтнинг ўзида ошпаз, официант, идиш-товок ювувчи, тарбиячи, ўқитувчи, ҳамшира, кир ювувчи, тикувчи, энага ва ҳроқазо вазифаларини адо эта олади.

Кир ювиш, дазмоллаш ишлари йилга ўрта ҳисобда 200 соат вақтни олади. Аёл кишининг энг кўп вақти ошхонада ўтади. Овқат тайёрлаш учун у ҳафтага 12-16 соат ошхонада бўлади.

Қизиги шундаки, ошхона ва уй-рўзгор буюмлари тобора тақомиллашиб борагани

билан уй юмушларининг ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Бироқ шундай бўлсада, мунис аёлларимизнинг ҳозирги кунда бажараётган юмушлари ана ҳам ортагити туфайли уларнинг жонлари қирқта эмас, юзта деб айтсак ҳам ҳато қилмаймиз. Жонлари омон бўлгўр аёлларимиз оилада ҳам ишда ҳам ўз фидоийликларини намойён этиб келмоқдалар. Тан-жонлари соғ бўлса бас, бу каби юмушларнинг ҳисоб-китобини қилмасдан, ўйнаб-қилиб адо этаверадилар.

Гулнора ШОКИРОВА.

Ҳаммаси мунисалар ҳақида

• Фарзандлари кўп аёл охирада энг сукули ва гўзал аёллар. Кўз болали аёлни Оллоҳ ўзи мағфират қилгай.

• Озодлик ва саришталлиқни ўзига касб қилиб олган аёлнинг дили равшан юради. Турли дашномлар ўқига мубтало эмас, кўпчиликка намуна бўлади.

• Аёлнинг энг ноёб жавҳари унинг ҳокимлиги бўлмай, тобеълик зийнатига эришганлигидир. Хушхул аёллар ўз бахтларини ўз тобеъликлари асосида қурадилар.

• Аёл киши ҳаё нурига сўяниб, ўз сўзини ҳилм ва одоб оила сўзласа, қаноат даражаси юксалгай.

• Чин муслим ва муслималар оламида илқ қадим аёл зотини эъзозлаш ила бошлангусидир. Ҳар кимнинг ўз жўфти ҳалолли ўзи учун бир покиза қалбадир. Гина ва қудуратлари бир четта суриб, аёл зоти қанча паст келса, ўз қадрини шунча оширгай.

• Покиза аёл юзидан нур ёғилиб тургувчидирки, у ҳар ишни тадбир

ўлчови, андиша, ҳаё ва заковат нурини ола бажарур.

• Вафо жавҳарига эга бўлган аёл ўз қадрини эл-улус қадрида деб билгай. Вафо водийсидан ўтганларга ўтда по-

униги кийим-кечакларини тикиш-чатиш, уй-рўзгор буюмларини саранжом туттиши, ўз турмуш ўртоғи ҳузурда ифтиқли ва боқира бўлишида намойён бўлгай. Бундай аёл дорил-бақодагина эмас, дорилфанода ҳам ўз жаннатини топган аёллар.

• Аёл киши ҳиёнат учун ўз ёстиқдошини ўл оймай қўюлсин. Ёстиқдоши уйга олиб келган ҳиёнат ўти уни ўртаб, тез кунда сабоқ мадрасасига елгатай. Аёл киши фақат кута билмоғи ва ўз қадрини англаб, баландлашмоғи лозим.

• Аёлларнинг энг биринчи таъини — уларнинг ҳаёси. Иккинчи таъини — меҳнатсеварлиги; учинчи таъини — қадрига етувчи эркак. Шу уч таъин билан аёл бахт қасрининг эшигини очгай.

• Аёл пок бўлса, номусини қўлдан бой бермасда, демак, у тугри ва бахтли ҳаётга ҳақли. Аёл учун энг гўзал безак ҳаёдир.

Кидирбой ТУЛБОВ.

